

Кунлардан бир куни кечкурун чарчаб-хориб, рухим чўкиб уйга кайтаётган эдим, профессор (шундай дейишади, бирок кандай профессорлиги номаълум) Скясси олдимдан чикиб колди. Бу одамни мен кўпдан буён биламан. Турли жойларда тез-тез ва кутилмаганда кўриниш бериб колади. Ўзи уктиришича, биз гимназияда бирга ўкиган эмишмиз. Бирок, тўгрисини айтсам, буни мен эслаёлмайман.

Ким ўзи у? Нима иш килади? Хеч качон бунинг тагига ета олмаганман. Унинг озгин-котма, ёвкур юзи билан мийигидаги истехзоли табассуми... Бирок энг ўзига хос жихати шундаки, у хар кандай одамда “Мен бу кишини каердадир кўрганман” деган янглиш тасаввур уйготади. Баъзилар уни афсунгар деб катъий ишонишади.

– Калай? – сўради у мендан таомилдаги салом-алиқдан сўнг. – Халиям ёзяпсанми?

– Бошка нимаям кила олардим, – дафъатан ночор-нотавон холимни хис килиб елка кисдим.

– Нима, жонингга тегмадими? – хужумни кучайтирди у. Кўча чирогининг хира ёргуида юзидаги масхараомуз кулги кўриниб тураг эди. – Билмайман, мен баъзан ўйлаб коламанки, гўё сиз ёзувчилар кундан кунга хеч кимга керак бўлмай коляпсизлар. Нафакат ёзувчилар, балки рассомлар, хайкалтарошлар, бастакорлар хам. Курук оворагарчиликка, шунчаки ўйинга ўхшайди. Нима демокчи бўлаётганимни тушуняпсанми?

– Тушуняпман.

– Ёзувчилар, рассомлар ва шу кабилар, хаммаларингиз эътибор козонишни истаб тутуриксизрок ва чалкашрок янгиликни кашф килишга жон-жаҳдингиз билан уринасизлар. Мухлисларингиз ўзи кўп эмас, борларининг хам кўнгиллари сизга нисбатан тобора совиб кетяпти. Одамлар айтмокчи бўлаётган гапларингизни кариб мутлако эшитмай кўйяпти. Кунлардан бир куни, очигини айтганим учун кечирасан, сизлар ўзларингизни сахронинг кок ўртасида кўрасизлар.

– Бўлиши мумкин, – дедим мен итоаткорлик билан.

Бирок Скясси, афтидан, мени кийнамокчига ўхшарди.

– Менга яна шуни айт-чи, масалан, сен бирон меҳмонхонага кирганингда оти-зотинг билан касби-корингни сўрашди дейлик. Ўшанда сен “ёзувчиман” деб жавоб кайтарганингда, бу сенга алланечук бемаънидек туюлмайдими?

– Эҳтимол, – дедим мен. – Францияда ундей эмасдир, лекин бизда айнан шунака.

– Ёзувчи, ёзувчи! – ошкора калака килди у. – Нима, сен хали ўзингни жиддий кабул килишларини истайсанми? Бизнинг дунёмизда ёзувчи деганлари кимга нима учун керак?.. Мугомбирлик килмай яна бир гапни очик айт-чи... Сен китоб дўконига кириб, расталарга караганингда...

– Деворлар бўйлаб то шипга кадар тизилишиб турган турли-туман китоблар, кейинги ойларнинг ўзидаёк ёргулар кўрган минглаб-минглаб китоблар... шуларга ишора килаётган бўлсанг керак, а?.. Караб туриб, буларга кўшимча мен хам яна бир китоб ёзяпманни деб ўйлайман-да, кўлим ишга бормай колади. Бир неча чакиримга чўзилиб кетган, тог-тог бўлиб уюлиб ётган сархил мевалару сабзовотларга бой улкан бозорда сўлиган сабзини сотиш умидида турган болакайга ўхшатаман ўзимни... Дилингдагини топдимми?

– Худди шундай! – Скясси масхараомуз тиржайди.

– Хайриятки, – эътироz билдиришга журъат килдим, – ўқийдиганлар хали бор, бизнинг китобларни сотиб оладиганлар йўқ эмас.

Шу пайт, таъбир жоиз бўлса, кадрдоним андак энганиб, поябзалимни синчиклаб кўздан кечира бошлади.

– Яхши этикдўз ошнанг борга ўхшайди-я?

Худога шукур, ўйладим ўзимча, хар калай, сухбатимиз бошка мавзуга кўчди-ку. Ўзинг хакингдаги аччик хакикатни эшитишдан оғиррок нима бор бу оламда?

– Ажойиб уста! – бажонидил жавоб килдим мен. – Кўли гул уста. Шунаканги яхши, шунаканги пишик-пухта тикадики, тиккани хеч тўзмайди-да!

– Яша! – хитоб килди бу аглах. – Гаров ўйнайманки, у сендан камрок пул топади.

– Эҳтимол.

– Нима, сенингча бу ўтакетган мантиксизлик эмасми?

– Билмадим, – жавоб килдим мен. – Тўгрисини айтсан, мен бу хусусда ўйлаб кўрмаган эканман.

– Мени тўгри тушун, – баттар авж килди Скяssi, – сен ёзган хамма нарсалар менга мутлако ёқмайди демокчи эмасман, йўк, шахсан сенга хеч бир эътиrozim йўк. Бирок сен ва сенга ўхшаган минглаб одамлар ўз умрларингизни хаётда хеч качон бўлмаган тарихларни ёзиб ўтказасизлар. Бунинг устига, уларни ёругликка олиб чикадиган ноширлар хам топила колади. Сотиб оладиган одамлар хам топилади. Сизлар шу йўл билан даста-даста пул топасизлар. Газеталар улар хакида ёзишади. Мунаккидлар уларга сон-саноксиз тадқикотларини багишлайди. Бу тадқикотлар хам ўз навбатида нашр этилади-да, дўконларда мухокама килинади... Биринчи сатридан то охирига кадар бичиб-тўкилган уйдирма тарихлар! Ўйлайманки, хатто сенинг ўзингга хам буларнинг бари ўтакетган аклсизлик бўлиб туюлса керак? Тагин бу атом бомбалари-ю, сунъий йўлдошлар асрида!.. Сенингча, бу масхаравозлик хали узок давом этадими?

– Билмадим. Балки сен хакдирсан, – дедим мен, юрагим мисли кўрилмаган даражада хувиллаб.

– Хўш, ўзинг айт, сизлар кимга кераксизлар? – тантана килди Скяssi – Адабиёт, санъат

– чиройли, баландпарвоз сўзлар! Аммо бизнинг давримизда санъат хам овкат, атири, шаробга ўхшаган оддийгина кундалик истеъмол маҳсулотларидан бошка нарса эмас.

Бугунги кунда одамларни кандай санъат кизиктиряпти? Кандай шиддатли тўлкин устимизга бостириб келаётганини ўзинг кўрмаяпсанми?.. Енгил-елпи кўшиклар, шеърчалар, шовкин-сурон, дод-вой, олди-коҷди! Мана, шон-шуҳрат каерда! Мана, акалли сени олиб карайлик: аклли нарсаларни ёзасан. Хатто зўр нарсалар дейиш мумкин. Бирок омад хакида гапириладиган бўлса, бу борада энг истеъдодсиз жаз кўшикчиси сени бир чўкишда кочиради. Одамларга кўпол бўлса-да, айни лахзаларда бевосита хиссий коникиш пайдо киладиган нарсалар керак, дарров, бир лахзалик, тушундингми? Шундай нарсаларки, токи зигирча хам куч сарфланмасин, ортиқча зўриклимасин, мутлако бosh котирилмасин.

Мен гапинг тўгри деган маънода бosh иргаб турдим, холос. Эътиroz билдиришга на кучим, на далилим бор эди. Бирок Скяssига бу хам кам эди.

– Бундан кирк йилча аввал санъаткор таникли шахс бўлиши мумкин эди. Бирок эндиға келиб... Агар кандайдир эски-туски, алмисоқдан колган нарсаларгина ўзларини омон саклаб кололмасалар. Масалан, дейлиқ, Хемингуей, Стравинский, Пикассо, боболаримиз билан бобокалонларимизнинг яратганлари... Йўк-йўк, сиз аллакачон ютказиб бўлгансиз... Сен абстракт санъат кўргазмасида бўлганимисан? Уни мунаккидлар кандай тушунтиришларини ўқиганмисан? Сафсата, учига чиккан сафсата! Амал-такал жон саклаб колган бир ховуч нодонлар, тагин ўzlари чаплаб ташлаган бўёкларини миллион,

хатто икки миллионга сотишни улдалашганларига хайрон коласан киши. Сўнгги алаҳисираш бу, мен сенга айтсам, ўлим олдидағи жон талвасаси бу! Сиз санъаткорлар бир томонга караб кетяпсизлар, китобхон билан томошибин бўлса, бутунлай қарама-карши томонга кетяпти. Бундан чикди, бир-бирингиздан тобора узоклашяпсизлар. Шундай кун келадики, ўрталарингиздаги масофа шу кадар олис бўладики... Сиз канчалик бакириб-чакириб аюханнос солманг, лекин биронта ит сизнинг овозингизни эшитмайди.

Айни шу топда гоҳо содир бўлиб турадиган воеа рўй берди: ифлос кўча бўйлаб нимадир елиб ўтди. Нималиги ноаник – майнин шабада эмас, чунки хавода хеч бир ўзгариш сезилмади, муаттар атири иси эмас, чунки атрофимизда ўша-ўша бензин ва яна алламбало ачимсик нарсалар хиди анкирди, ёқимли куй эмас, чунки машиналар шовкинидан бошка хеч нима эшитилмас эди. Нималиги номаълум – мукаддас туйгулар ва хотираларнинг жунбишга келишими, кандайдир изохлаб бўлмайдиган бир сир-синоат.

– Лекин барибир... – дедим мен.

– Нима “лекин барибир”? – Скяссининг юзида захарханда зухур бўлди.

– Лекин барибир биз кўлимииздан келганча ёзаётган тарихларни хеч ким ўкишни хоҳламай колганида, кўргазмалар буткул кимсасиз бўлиб хувиллаб колганида, чолгучилар ўз асарларини бўм-бўш ўриндиклар каторларига ижро этганларида хам... ана ўша такдирда хам бизнинг ижодимиз... йўқ, мен ўзим хакимда эмас, мен килган иш билан шугулланадиганлар хакида...

– Кани-кани, намунча бўшашмасанг! – истехзо билан китик патимга тегишда давом этди биродарим.

– Шуни билиб кўйки, сен айтаётган ўша тарих, расм, мусика, бошка ахмокона, тушунарсиз ва фойдасиз нарсалар хамиша инсонийликнинг энг олий ифодаси, асл умумбашарий кадриятлар бўлиб колаверади.

– Кўй, мени кўркитма! – хитоб килди Скяssi.

Лекин мен, билмадим, нима учун, энди ўзимни тўхтата олмас эдим. Ич-ичимда тошаётган исён ташкарига йўл кидирап эди.

– Ха-ха! Майли, сен буни ахмоклик деб хисоблашинг мумкин, бирок хакикий санъат хамиша бизни молдан фарклаб турувчи нарса бўлиб колаверади. Бу ерда фойдали ё фойдасиз эканлиги ахмиятли эмас. Эҳтимолки, буткул фойдасизлиги учун хам бизга жуда-жуда керакдир. Атом бомбаси, сунъий йўлдошлар, юлдузлар—аро ракеталардан хам минг карра керакрок! Айни шу ахмоклик буткул тугаб битган ўша каро кунда одамлар ибтидоий жамоа давридагидек аянчли бир маҳлукка айланиб коладилар. Чунки чумолилар ини билан энг янги техниканинг хар кандай мўъжизаси ўртасидаги масофа чумолилар инини инсоний жамиятдан ажратиб турувчи масофага нисбатан минг карра кискарок!..

– Сен, масалан, ўн сатрлик алмойи-алжойи сюрреалистик шеърни назарда тутяпсанми?

– аччик кулиб сўради Скяssi.

– Ха, хаттоки бир карашда мутлако аклга сигмайдиган, хатто беш сатрлик шеърни хам назарда тутиб айтипман бу гапни! Мухими – одам боласининг ёзиш иштиёкида, бу ишидан бирон натижа чикадими-йўкми – бу у кадар мухим эмас. Эҳтимол мен адашаётгандирман, аммо факатгина шу йўлда најот бор. Агарда...

Ана шунда Скяssi оғзи кулогига етгудек хурсанд бўлиб узок кулди. Кизик, бу кулгиси энди мутлако ёқимсиз эмасди. Мен таажжубдан донг котиб колдим.

У ёлкамга каттик кокиб кўйди:

– Ана энди ўзингга келдинг, тентаквой.
– Тушунмадим, нима демокчисан? – ажабланиб сўрадим мен.
– Хеч нима, хеч нима, – жавоб килди Скясси ва озгин-котма юзи кандайдир ички бир ёргуликдан нурланиб кетди. – Карасам, хамма нарсадан хафсаланг пир бўлиб бўшашибина келяпсан. Гўё хеч нимага ихлосинг колмагандек. Шунинг учун сени каттикрок бир силкитиб кўргим келди-да.
Хак-рост. Нима бўлганда хам, мен ўзимни бутунлай бошка одам деб хис килмоқда эдим: бир кадар эмин-еркин, ўзига ишончи мустахкам... Мен тамаки тутатгунимча Скясси руҳдек дафъатан кўздан йўколди.

Рус тилидан ОТАУЛИ таржимаси
«Шарқ юлдузи» журналининг 4-сонидан олинди.